

МИЛЛИЙ ХАРАКТЕРНИНГ ТАДРИЖИЙ ТАКОМИЛИ

Й.Солижонов, А.Қаюмов

Аннотация

Мазкур мақола Н.Жалоллидиннинг турли йилларда яратган ҳикояларидаги миллийликнинг такомиллашиб бориш жараёнини ўрганишга бағишланган. Ёзувчининг ижодига таъсир кўрсатган омиллар, бунинг натижасида қаҳрамон характерида содир бўлган ўзгаришлар мисоллар асосида тадқиқ этилган.

Аннотация

Статья посвящена изучению процесса совершенствования национальных черт и особенностей в рассказах Н.Жалоллидина, написанных в разные годы. Исследованы факторы, повлиявшие на творчество писателя, на примерах показаны изменения в характере героев.

Annotation

This article is devoted to the investigation of Nabi Jaloliddin's stories of different periods with the process of national development. Factors which influenced writer's creativity and his character's evaluation are investigated on the basis of examples.

Таянч сўз ва иборалар: глобализм, миллат, миллийлик, миллий онг, миллий характер, миллий қадрият, кульминация, замон ва макон, образ, персонаж, қаҳрамон, деталь, ҳикоя

Ключевые слова и выражения: глобализм, нация, национальность, национальное мышление, национальный характер, национальные ценности, кульминация, время и пространство, образ, персонаж, герой, деталь, рассказ.

Key words and expressions: globalization, nation, nationality, national conscience, national character, national customs, climax, time and space, image, character, hero, detail, story.

Миллийлик бир хил давом этадиган жараён эмас. У доимо ўзгариб, ривожланиб, такомиллашиб ва ёки, аксинча, йўқолиб бориши мумкин. Миллатнинг, халқнинг бу хусусияти давр билан ҳамнафас равишда тўхтовсиз ҳаракатда бўлади. Миллийликнинг гоҳ ўзгариб, такомиллашиб ёки емирилиб бориши адабиётшунос Т.Шермуродов таъкидлашича, бошқа халқларнинг ўзаро таъсири натижасида ҳам рўй бериши мумкин: “Халқ мавжуд ва доим ҳаракатда, меҳнатда, курашда, бошқа эл-юртлар билан қандайдир муносабатда экан, унинг ўзигагина оид хислатлар, одатлар, туйғулар, хулқ-атвор ҳам кўникмалар тўхтовсиз ривож топа боради” [1.131].

Аслида, бу ўзгаришлар тезда содир бўладиган ҳодиса эмас. Узоқ тарихий тараққиёт давомида ва, табиий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий таъсирлар натижасида айрим миллий хусусиятлар пайдо бўлади ёки ўзгаради. Хусусан, халқимизнинг руслар босқинига қадар (Отабек, Анвар), собиқ совет тузуми (Жўра, Музаффар) ва мустақиллик давридаги (Юсуф, Озод) ҳаёти ёритилган асарлардаги образлар қиёсида ҳам бу фарқлар

кузатилади (Асар қаҳрамонлари: Отабек – А.Қодирий “Ўткан кунлар”, Анвар – А.Қодирий “Меҳробдан чаён”, Жўра – Ғ.Ғулом “Ёдгор”, Музаффар – Ў.Ҳошимов “Икки эшик ораси”, Юсуф – У.Ҳамдам “Мувозанат”, Озод – И.Султон “Озод”). Кўринадики, миллийликни давр нуқтаи назаридан таҳлил қилиш кўпгина ижобий натижаларни беради. Бу фикрга мос ҳолда рус адабиётшуноси А.А.Родионовнинг «Лао Шэ ижодида хитойликларнинг миллий характери» мавзусидаги номзодлик диссертациясида ёзувчининг ижодий камолоти босқичма-босқич таҳлил қилинганлигини таъкидлаш ўринлидир. Тадқиқотда Лао Шэ ҳаёти ва ижодига таъсир кўрсатган турли омиллар, бу омилларнинг бадий асарларда акс этиши чуқур ўрганилган [2.330]. Бундай усулда тадқиқ қилинганда ижодкор камолоти, асарлардаги бадий савиянинг ривожланиш жараёни, бу жараёндаги ютуқ ва камчиликлар аниқ кўзга ташланади.

Миллий адабиётшунослигимизда бадий асарларни замон нуқтаи назаридан

Й.Солижонов – ФарДУ, филология фанлари доктори, профессор.
А.Қаюмов – ФарДУ докторанти.

тахлил қилиш айрим тадқиқотларда кузатилган бўлса-да, лекин юқоридаги каби, бир ёзувчи ижоди мисолида характерларнинг миллийлик жихатдан тадрижий такомил масаласи чуқур ўрганилмаган. Мазкур масалани икки хил усулда таҳлил қилиш яхши самара беради. Биринчидан, биргина қаҳрамон характерида намоён бўлгувчи миллий ўзига хосликлар асарнинг сюжет линияси бўйича босқичма-босқич ривожланиб бориши кузатилади. Иккинчидан, ижодкорнинг турли йилларда яратган асарларидаги миллийлик тадрижини тадқиқ этиш ижобий натижалар беради. Хусусан, Н.Г.Чернишевский биринчи усулга мос ҳолда қуйидагиларни илгари суради: “Барчага маълумки, ҳар бир инсон ўзи севган иш билан машғул бўлади ёки ўз табиатидан келиб чиқиб фаолият юритади” [3.483]. Натижада, шароитга мувофиқ келадиган характер юзага чиқади. Бундан характер шаклланишида макон ва замоннинг аҳамияти устувор эканлиги англанади.

Миллий характернинг тадрижий такомиллини батафсил ўрганишда иккинчи усул муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда Наби Жалолiddиннинг турли даврларда яратилган ҳикояларига эътибор қаратиш масала моҳиятини очишга ёрдам беради. Ёзувчининг 1980 йилларда яратилган “Эсиз, муҳаббат”, “Юраклар”, “13”, “Ковакдаги истеъдод”, “Кино” каби ҳикояларида миллий рух, миллий ўзига хосликни кўрсатувчи тасвирлар унчалик чуқур ёритилмаган. Уларда умуминсоний туйғулар, жамият муаммоларини ёритиш етакчилик қилгани ҳолда характерларнинг миллий хусусиятлари кенг очиб берилмаган. Албатта, “ижод жараёнида унинг (ёзувчининг – А.Қ) олдида асарни қандай қилиб миллийлаштириш эмас, балки, даставвал, халқ ҳаётини, унинг орзу-армонлари, интилиш ва кураши, турмушининг долзарб масалаларини чуқурроқ ифодалаш туйғуси ва масъулияти туради” [6.27]. Шунингдек, бу ўринда тузум сиёсатининг адабиётга салбий таъсирини, ўша даврдаги адабий-назарий қарашларнинг бирёқламалигини ҳам унутмаслик лозим. Маълумки, собиқ тузум

даврида миллийликка урғу бериб асар яратган ижодкорлар миллатчиликда айбланган. Ёки соф миллийликка йўғрилган ижод намуналарини чоп этишга рухсат берилмаган. Чунки “империялар миллий онгинг уйғонишидан ўт-сув балосидан қўрққан каби қўрққанлар” [4.8].

Юртимизнинг мустақилликка эришиши Наби Жалолiddин ижодига жуда катта таъсир кўрсатди. 1991 йилдан кейин яратилган ҳикояларда ўзгача ўзбекона рух устунлик қилади. Қаҳрамонлар соф миллий характерга эга образ сифатида ёритилади. Адибнинг қадим миллий урф-одат, анъаналар асосида халқни қайта тарбиялашни мақсад қилиб олганлиги сезилиб туради. Адабиётшунос И.Ғофуров таъбири билан айтганда, бу даврда ёзувчилар “миллатнинг ўзагига қарадилар. Ўзак соғлом эканлигини кўрдилар. Соғлом ўзакни қудратли ва яшовчан қилиш учун фақат ва фақат тарбия – миллий туйғулар ва миллий онгинг мақсадга кучли йўналтирилган тарбияси зарурлигини англадилар” [4.10]. Наби Жалолiddиннинг “Дўппи”, “Умр”, “Эркаги бор уй”, “Оғрик”, “Байроқ”, “Тупроқ” ҳикояларида ҳам ўзбек оиласи, ўзбек ота-онаси, ўзбек фарзанди, умуман олганда, ўзбек қандай бўлиши кераклиги тўғрисидаги ғоялар илгари сурилган. Шунингдек, бу ҳикоялардаги ҳар бир деталь, ҳар бир образ миллий колоритни очиб бериш учун хизмат қилган.

Шу ўринда “Дўппи” ҳикоясидаги дўппи деталига эътибор қаратиш ўринлидир. Ўзбек адабиётида оёқ кийими (этик, чориг) бойликни билдириб, ўткинчи дунё маъносини англатса, дўппи – ақл, онг каби рамзий тушунчаларни ташишга хизмат қилади. Муҳаммад Юсуф бу деталга мурожаат қилиб, “Дўппи киймай қўйди одамлар” [5.31], дея давр кишиларининг миллий онгидан шикоят қилади. Ўткир Ҳошимов рус кишиси - Валентиннинг бошига атай дўппи кийдиради [6.595-596], ўзбеклар орасида яшаганлиги учун унда ўзбек миллий характери шаклланади. Наби Жалолiddин қаҳрамони эса дўппининг қадрини, эъзозини, зарурлигини, моҳиятини миллий урф-

АДАБИЁТШУНОСЛИК

одатларимиз орқали тушуниб етади. “Дўппи” ҳикояси халқимиз ўзлигини англай бошлаганлигига ишора сифатида ёзилгандир.

Асарда Раҳматжонга миллий бош кийими бўлган дўппини доимо кийиб юриш лозимлигини тайинлаб онаси, отаси, бобоси кўп ҳаракат қиладилар. Бу ўринда ёзувчи томонидан бобо образига юкланган вазифалар тарбиявий, фалсафий, миллий ўзига хослиги билан алоҳида ажралиб туради. Бобо тилидан набирага топишмоқнамо саволлар берилади. Жавобини топишни эса Раҳматжоннинг ўзига қолдирилади:

“– Раҳматилла, – деди бир пайт чол ўрнидан кўзғалиб, сўри суянчиғига суяниб ўтираркан. – Маҳалламиздаги кўп хонадонларга киргансан-а?

Йигит ҳайрон бўлиб, бобосига қараркан, «ҳа» деди секингина:

– Унда, айт-чи, ҳамма уйларнинг айвони, унинг олдида сўртаги, унда узуми борми?

– Бор, оппоқдада, – йигит баттар ҳайрон бўлди.

– Бир томонда ўчоғ-у тандириям борми?

– Ҳа.

– Ариқчасидан ичса бўловрадиган тоза сув оқадими?

– Оқади. Нима гап ўзи, оппоқдада?

– Шуларнинг борлигини аниқ биласан-а?

– Ҳа, биламан.

Чол ёқимли жилмайди.

– Бу нарсалар, ҳа-ҳа, айнан шу нарсалар фақат ўзбекнинг уйида бўлади, болам. Шу гапларимни унутма.

Раҳматжон бобосининг «топишмоғидан» завқланиб кулди.

– Гапларингизни тушунмадим, оппоқдада.

– Майли, болам, қачон тушунганимда, менга айтарсан, бўптими? Оммалекин унутмагин. Энди мени хужрамга кириб, янги дўппимни обчиқ[7].”

Бу савол-жавоб ёзувчининг ноёб топилмасидир. Саволлардаги объектлар – миллий, мақсад – тарбиявий, жавоб ҳам фалсафий-тарбиявий аҳамиятга эга хисобланади. Ёзувчи қаҳрамонига дўппини

шунчаки кийдириб қўймоқчи эмас. У аввал дўппининг мазмун-моҳиятини, муқаддаслигини, бу детал ифодаладиган чуқур фалсафий мазмунни англаши лозим. Ҳикояда миллий қадрият сифатида дўппи деталига алоҳида урғу берилиши ва асар композициясида муҳим ўринга эга бўлганлигини эътиборга олган ҳолда айтиш мумкинки, бу деталь образ даражасига чиққан. Шу ўринда ёзувчи томонидан ўзбек оиласи ҳовлисини тасвирлашга мисол қилиб келтирилган деталлар ҳам ўзига хос бадиий эстетик вазифа бажарган. Этнограф олим Исо Жабборов ўз тадқиқотларида қайд этишча, қадимдан ўзбек хонадонлари ҳовлисида айвон, тандир, ток, ариқлар мавжуд бўлган [8.39]. Ўзбек хонадонининг таркибий қисмлари бўлган мазкур қурилмаларга инсоннинг яшаши учун энг зарур нарсалар сифатида қаралган. Оппоқдада томонидан дўппининг шулар қаторига қўйилишида ҳам пухта ўйланган, тарбия учун хизмат қилувчи ғоявий мақсад мавжуд. Эътибор берилса, айвон – уй бўлиб, яшаш учун жойдир; тандир, ток – егулик тайёрлаш учун зарур буюмлар, бу ҳам яшаш учун эҳтиёждан пайдо бўлган; ариқ орқали сув олиб келинган бўлиб, тириклик учун эҳтиёжлар қондирилган. Бу учаласи мавжуд бўлмаса, тирик қолиш, яшаш қийин бўлади. Дўппи эса маънавий эҳтиёжлар, миллий қадриятлар рамзидир, бусиз ҳам яшаб бўлмайди.

Наби Жалолиддин томонидан “топишмоқ”нинг жавоби ҳам маҳорат билан “яширилган”. Бобо саволлар орқали набирасига ўзбекнинг уйидаги ҳар бир нарса қанчалик зарур бўлса, дўппи ҳам (ва бу орқали миллий онг) жуда керакли эканлигини уқтирмоқчи бўлади. Тайинки, набира бу жумбоқнинг моҳиятини хали тушунмайди. Буни тушуниши учун кескин бурилиш, бола психологиясига қаттиқ таъсир ўтказа оладиган кульминацион нуқта зарур. Сюжет давомида бобо образи фаол ҳаракатда бўлади, у набирасига ўзининг қимматбаҳо дўпписини совға қилиб, уни кийиб кўришни таклиф қилади. Дўппини кийишга кўнмаган Раҳматжонга бобо “Ҳа,

майли, эртага киярсан”, - дея нозик башорат қилади. Эртасига бобо вафот этади. Раҳматжоннинг ҳаётида, онгида, тарбиясида, қалбида портлаш содир бўлади. “Топишмоқ”нинг жавоби топилади, башорат юз беради, Раҳматжон дўппини кияди:

“У хонасига қайтиб кирди. Стол устидаги дўпписига қўл узатаркан, бобоси берган дўппини эслади. Ахир уни кеча шифонерга солиб қўйганди. Аста шифонерни очди, дуррага ўроғлик дўппини қўлига олди. Дурранинг икки учини қайирди. Гуллари оппоқ чиройли дўппига кўзи тушдию, бўғзига нимадир тикилди. Кўзларидан майда-майда учкунлар сачраётгандек туюлди. Гўё гулларини санамоқчидек дўппини кўзига яқинроқ олиб келди. Бир четига аста лабини босди, сўнг икки қўллаб бошига кийди. Ойнага қаради. Мусаффо тонгнинг, ҳали ювингани ариқчадаги муздек сувнинг тароватидан нурли товланган юзи, бошидаги гулдастадек дўппи берган файздан янада очилиб, чиройли кўринди. Ана ўшанда у бўғзидаги нарсани тутиб қололмади, «оппоқдадажон!» дедию, ҳўнграб йиғлаб юборди”[7].

Миллий хусусиятлар, аввало, инсоннинг маънавий-руҳий оламида мужассам бўлади. Миллийлик дея баҳоланувчи ташқи белгилар руҳиятдан ўсиб чиқади. Руҳият инсоннинг инсонлигини белгиловчи илоҳий неъмат, маънавий кучдир. Юқоридаги мисолда қаҳрамоннинг руҳиятидаги эврилишлар моҳирлик билан ёритилган. Бутун оиланинг бир фарзанд тарбияси учун қилган ҳаракати самарасиз кетмайди. “Опоқдадажон”, дея йиғлаб юбориш жараёнида Раҳматжоннинг онги, маънавияти, руҳиятида янгиланиш содир бўлди. Унинг руҳияти миллийлик билан бирлашди.

Мустақиллиқнинг дастлабки йилларида барча жабҳаларда халқимизнинг миллий ўзлигини, миллий руҳиятини тиклаш учун ҳаракат қилинди. Ўзбек менталитетининг таянч компонентларидан бўлган “Ижтимоий фазилятлар” ва “Жамоавий жиҳатлар”[9.88]ни янада ривож топтиришга уринишлар кучайди. Бу ҳаракатлар бадий

адабиётда ҳам ўз аксини топди. Наби Жалололдиннинг ҳикоялари орқали юртдошларимизда миллий урф-одатлар, анъаналар, маънавий-ахлоқий сифатлар, фазилятлар ҳамда миллий ғурурни шакллантириш, ўша даврда пайдо бўлган маънавий бўшлиқни тўлдириш учун ҳаракат қилингани яққол кўзга ташланади.

Наби Жалололдин асарларини ўрганиш жараёнида шу нарсани кузатиладики, 2001-2010 йилларда яратилган ҳикояларда воқеа ва характерларнинг кескинлашуви рўй берган. Бадий адабиёт ҳаётининг инъикоси эканлигини эътироф этган ҳолда таъкидлаш лозимки, бу ўзгариш халқимизнинг маънавий тараққиёти билан боғлиқдир. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида кўплаб одамларда келажакка ишонч, ўз миллатидан ғурурланиш ҳисси етарли эмас эди. Бу ишончни уйғотишга қилинган ҳаракатлар самараси кўзланган даражада натижа бермади. Жамиятда пайдо бўлган маънавий бўшлиқни турли ёт ғоялар билан заҳарлаш учун четдан ҳаракатлар кучайди. Бу ҳолатларнинг олдини олиш, миллатимизнинг мафкуравий иммунитетини юксалтириш мақсадида “юмшоқ” гаплардан кескинлига ўтиш замон талаби эди. Наби Жалололдин ижодидаги эврилишлар мана шу жараён билан боғлиқдир.

Ёзувчининг “Эркаги бор уй”, “Даюс”, “Оғриқ”, “Байроқ”, “Тупроқ”, “Вокзал”, “Юрак” ҳикоялари 2001-2010 йиллар оралиғида яратилган бўлиб, драматизм кучли ифодааланганлиги, идеал қаҳрамонлар характерида кескинлик ортанлиги билан аҳамиятли ҳисобланади. Бу асарларда миллий ғурур, ватанпарварлик, орият масалалари талқинига алоҳида урғу берилган.

Истиқолот даврида халқимиз онгида миллий ўзликни англаш жараёни маълум даражада юксалди. Ватандошларимизда ўзбеклигидан, Ўзбекистонлик эканлигидан ғурурланиш, фахрланиш ҳисси ортди. Лекин жаҳон майдонида яна бир қатор “оммавий маданият”, “глобализм”, “ахборот хуружи” каби хавфли ҳаракатлар пайдо бўлди. Адабиётшунос Иброҳим Ғофуров

АДАБИЁТШУНОСЛИК

таъкидлаганидек, “Глобализациянинг босими жуда катта. Назаримда, бу босим қанча кучайиб борса, миллий туйғулар тарбияси, миллий ғурур тарбияси ундан кучлироқ мавқега эга бўлиши, ундан кўра кучлироқ, таъсирчанроқ жаранглаши керак”[10]. Наби Жалолиддиннинг 2010 йиллардан кейин яратилган ва чоп этилган ҳикоялари ҳам дунёдаги турли ижтимоий, сиёсий кучларга, маънавий ҳужумларга қарши қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Тўғри, ҳикояларда оддий, кундалик ҳаёт тасвирланган. Лекин кўтарилган муаммолар долзарблиги билан эътиборни тортади. “Вокзал”, “Юрак”, “Офтоб исли бола”, “Арақ”, “Ғассол”, “Интибоҳ”, “Сени яхши кўраман, ҳаёт” ҳикояларида иккиюзламачилик, кўрқоқлик, маънавий қашшоқлик, иродасизлик, ёлғончилик каби жамиятдаги камчиликларни кўрсатиб бериш ва умид, қалбни поклаш, ҳалоллик каби фазилатларни улуғлашга ҳаракат қилинган. Бу ҳикоялар ҳам, албатта, миллий фонда тасвирланган. Миллий хусусиятларни тарғиб этувчи кўпгина ўринлар мавжуд. Аммо мустақилликнинг дастлабки йилларидаги ҳикоялари каби айнан миллийликка кучли урғу берилмаган. Жамиятни, халқни кемирувчи иллатлар асосий ўринга кўтарилган. Мисол учун “Ғассол” ҳикоясида

ёзувчи ва мухлис учрашуви қаламга олинади. Бир соатча давом этган учрашув жараёнида жамиятда урчиб бораётган сунъийлик, таъмагирлик иллатлари очиб берилган. Манманликка берилган, ҳаётни яхши ўрганмасдан асар яратадиган, ўз қаҳрамонларини яхши билмайдиган ижодкорлар танқид остига олинган.

Ёзувчи ҳикояларидаги миллийликни тадриджий жиҳатдан таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, бу нуқтаи назардан адиб ижодида учта катта фарқ сезилиб туради. Биринчиси, мустақилликдан олдин яратилган асарларда миллийлик даражасининг нисбатан пастлиги, иккинчиси, 1991-2010 йиллар атрофида яратилган ҳикояларда асосий урғу миллий характери шакллантиришга қаратилганлиги, учинчиси, 2010 йилдан кейин яратилган ҳикояларда миллийлик фонида умуминсоний ғоялар илгари сурилганлиги кузатилади.

Юқоридаги таҳлилларни умумлаштирган ҳолда айтиш мумкинки, Наби Жалолиддиннинг турли йилларда яратган ҳикояларида муаммонинг қўйилишига қараб айримларида миллий белгилар етакчилигида умуминсонийлик ва айримларида умуминсоний ғоялар етакчилигида миллий хусусиятлар талқин этилган.

Адабиётлар:

1. Шермуродов Т. Жозиб изхор излаб. –Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009.
2. Родионов А.А. Национальный характер китайцев в творчестве Лао Шэ. Дис. ...канд. филол. наук: 10.01.03 : – Санкт-Петербург , 2001.
3. Чернышевский Н.Г. Избранные сочинения. – М.: Художественная литература, 1989.
4. Ғофуров И. Мангу латофат: Бадиалар, рисоалар: 2-китоб. – Т.: Шарқ, 2008.
5. Юсуф, Мухаммад. Биз бахтли бўламиз: [Шеърлар тўплами] /Мухаммад Юсуф; тузувчи ва нашрга тайёрловчилар: Назира ас-Салом, Мадина Мухаммад Юсуф қизи. – Т.: Nihol. 2016.
6. Ҳошимов Ў. Сайланма: 2 жилдлик. 2-ж. Умр савдоси. – Т.: “Шарқ” НМК, 1998.
7. Наби Жалолиддин. Дўппи. Ҳикоя. www.nabijaloliddin.uz
8. Жабборов И. Ўзбеклар: турмуш тарзи ва маданияти: Ўқув қўлланма. – Т.: “Ўқитувчи”, 2003.
9. Бекмуродов М. Ўзбек менталитети.// – Т.: “Info Capital Group”, 2011.
10. Ғофуров И. Жонимдаги миллий ғурур. – “ЎзАС” газетаси. -2016 йил 5 июль, 29-сон.